



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 29 ноябрь, шанба • №96 (11.587)

Эркин нархда сотилади

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

БОЛГАРИЯГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-26 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди.

Ўзаро ҳамкорлик истикболларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асосни кенгайтириш, жамият ва иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида тажриба алмашиш, минтакавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилинган ушбу ташриф Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат имзолангани дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомийлигига яна бир тасдиқ бўлди.

БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун 27 ноябрь кун Бухорода бўлди. Юртбошимиз Абдуллоҳиқ Гиждувоний мақбараси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуи атрофида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналар Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуида бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Шу кун мамлакатимиз раҳбари Гиждувон шахридаги беш юз ўринли спорт саройининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

2003 йил 27 ноябрь кун Польша томони ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневский ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йилнинг июль ойида Польшага расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар ижроси билан боғлиқ масалалар ҳамда икки томонлама ҳамкорлиқнинг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Юртимизда "Президент асарлари билимдонлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичига тайёргарлик бошланди.

Давлатимиз раҳбари асарлари мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш, мамлакатимиз мустақиллиги, миллий истиқлол гоёларини тараннум этувчи ижтимоий-сиёсий адабиётларни кенг тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги бир қатор кўмита ва ташкилотлар билан ҳамкорликда "Президент асарлари билимдонлари" мавзусида ўтказиб келаётган танлов ҳам ана шундай эзгу гоёга хизмат қилади.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродали, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва халқимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёс.

Бугунги кун кутубхоналар фаолиятини давр талаби даражасида ташкил этиш, уларни зарур адабиётлар, айниқса мустақиллик, миллий мафкура гоёларини сингдиришга хизмат қилувчи адабиётлар билан таъминлашни тақозо этади.

Танловнинг якуний босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар иштирокчи етиб келди.

Унинг ғолиблари 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида маълум бўлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Кузги шудгорда гап кўп. Ер қишда қанча кўп дам олса шунча яхши. Шунинг учун Чиноз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида экинлардан бўшаган майдонларни тезроқ шудгор қилишга алоҳида эътибор берилади. Айни кунларда хўжалиқда экин майдонларини шуд-

горлаш якунига етказилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) хўжалик бошқаруви раиси Абдусамат Ақромов ходимлар билан шудгорнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Вилоят ҳокимлигида

КУН ТАРТИБИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Шу йил 28 ноябрь кун вилоят ҳокимлигида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

қарорининг Тошкент вилоятида бажарилишининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг ушбу масалага тегишли бўлим ва бошқармалари бошликлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Бугунги кунда вилоятда

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастурига мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан "Оммавий ахборот воситаларига фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан юборилган муурожаатларнинг кўриб чиқишини такомиллаштириш" мавзусида соҳага ихтисослашган журналистлар учун навбатдаги давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмухаммедов, Конституциявий суд судьяси Х.Ёдгоров, Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Ш.Рўзиназаров, "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ш.Жабборов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Анжуманда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси Ў.Ҳошимов сўзга чиқди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири.

3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни

ЭЪТИБОР ЯНАДА КУЧАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш миллий марказида ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш жараёнидаги долзарб вазифаларга бағишланган республика шимий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ногиронлар соғлигини қайта тиклаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида кенг қўламдаги ишлар олиб бориляпти. Республикаимизда фаолият юритаётган реабилитация мар-

казларида ҳар йили ўн икки минг нафардан кўпроқ ногирон даволанмоқда.

Маҳаллий хомашё асосида протез-ортопедия маҳсулотлари, ногиронлар аравачалари ишлаб чиқариш

йўлга қўйилган. Саховат ва муруват уйлари таъмирланиб, уларнинг моддий-техника базаси кучайтирилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар соғлигини қайта тиклаш мақсадида янги санаторийлар фойдаланишга топширилди.

Анжуманда ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, ёрдамчи воситалар билан таъминлаш, касб ўргатиш ва ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ШИФОКОРЛАР ФИКР АЛМАШМОҚДА

Пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида Республика травматолог ва ортопедларининг VI съезди очилди. Анжуманда мамлакатимиз соҳа мутахассислари билан бирга Италия, Финландия ҳамда МДХ давлатларидан вакиллар иштирок этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотлар жараёни муваффақиятли кечаётгани, бу жараён травматология ва ортопедия тармоғида ҳам ўз аксини топаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки кун давом этадиган съездда Ўзбекистонда травматология ва

ортопедия фанининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, соҳада қўлланилаётган янги технологиялар, жараҳатларни даволашда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда.

ЎЗА.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

ОШКОРАЛИК

маҳаллаларда ҳисобот-сайлов йиғилишларига демократик, юксак талабчанлик руҳини боғишламоқда

— Ҳисобот-сайлов йиғилишдан кўнглим тўлди. Чунки, ҳар бир киши ўз фикри, хоҳиш-иродасини, истагини очик, эркин ифода эта олди. Бугун сайланган оқсоқол ҳамда унинг маслаҳатчиларига ҳам ишончимиз катта, — дейишмоқда янги ваколат муддатига оқсоқол сайланиб, тегишли қарор қабул қилинган кўпчилик вакиллар.

Чиндан ҳам бу йиғилишлар деярли ҳамма жойда эркин ўтиши, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашиш шароитини вужудга келтиришга интилиш кучайганлиги бу муҳим сайланишнинг белгилловчи хусусиятига айланди. Буни Чирчиқ шаҳри ми-

солида ҳам кўриш мумкин. Умуман, бугунгача шаҳардаги 44 та маҳалланинг 23 тасида оқсоқол сайловлари ўтиб бўлди. Уларда вакиллар маҳалла ҳаётидаги камчиликлар, ҳал бўлмайд келаётган муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айтишяпти. Ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланиб, муқобиллик асосида оқсоқолликка тавсия этилаётган номзодлар йиғилишларда чуқур муҳокама қилиниб, кун тартибида турган вазифалар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилаётир. Овоз бериш ҳам эмин-эркин ташкил қилинмоқда.

— Шаҳримиздаги 22-маҳаллада овозга қўйилган икки номзод ҳам 50 фойздан кам овоз олди, — дейди шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси Жўрабой Норматов. — Шу сабаб оқсоқол сайлови қолдирилиб, янги номзодлар танланмоқда.

Бу — табиий ҳол, сайловчилар иродасининг ифодаси. Одамлар ўзлари яхши билган, ишонган оқсоқолларни сайлаб олишса, маҳаллада ҳамма ишлар юқори савияда бориши мумкинлигини, қонун устуворлиги амалда таъминланишини тобора чуқур англаб етишяпти.

Янгийўл шаҳрида ҳам ҳисоботлар талабчанлик билан муҳокама қилинди, камчиликлар рўй-рост айтилди, мавжуд 12 та маҳалланинг саккизтасида оқсоқоллар муқобиллик асосида янгидан сайланди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Банкларнинг лизинг хизматлари

Ўзбекистон Банклари ассоциациясида Марказий банк билан ҳамкорликда ташкил этилган "Банкларнинг кичик бизнес субъектларига лизинг хизматлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда кичик бизнес корхоналарини замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашда лизинг фаолиятининг аҳамиятини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимиз тижорат банклари лизинг операцияларини янада фаол амалга ошира бошлади. Президентимизнинг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада катта туртки бўлди. Жумладан, "Галла-банк" ва "Тадбиркорбанк" ўтган йилнинг охиригача умумий қиймати 323 минг АҚШ доллари тенг 110 та операцияни амалга оширди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам бундай хизмат турини кўрсатмоқда: жорий йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси учун иккита "Боинг-767" ҳаво кемасини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 260 миллион АҚШ доллари ортиқ лизинг операцияси амалга оширилмоқда.

Ж. РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Янги марказ очилди

Қибрай туманида «Иқбол камалаги» ўқув маркази иш бошлади.

Бу ерда ёшлар компьютер (4 та дастур бўйича), инглиз, турк, рус тиллари, хунармандчилик ва зардўзлик, пазандачилик, телерадиоаппаратураларни таъмирлаш, хонадон ҳамши-

ралиги сингари ўн бешга яқин ихтисос бўйича сабоқлар олишади. Марказ қошида массаж, сауна ва сув ҳавзаси хизматлари ҳам мавжуд.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.



Бекобод шаҳрида ҳарбий, муқобил ва сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга кузги чақирув якунланмоқда. Чақирув комиссияси бу ишларни Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришди.

СУРАТДА: шаҳар мудоффа ишлари бўлимининг бошлиғи Абдуқаҳҳор Эсонбоев чақирилувчи Азиз Алламуродовга она-юртнинг муносиб ҳимоячиси бўлиб етишини тиламоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КУН ТАРТИБИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

яшаётган аҳолининг 26,5 фойзини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Ана шунинг учун ҳам уларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш, мавжуд бўлган касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва соғломлаштириш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса, аввало, оилада тиббий маданиятни оширишдан бошланади. Йиғилишда таъкидланганидек, бу борада вилоятда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан махсус дастур ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Биринчи навбатда туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, жойлардаги туғруқ комплекслари ва болалар муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олиб борилаётган яна бир йўналиш тиббий ходимларнинг малакасини ошириш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришдир. Шу мақсадда ўтган даврда 120 нафар акушер-гинекологлар, 95 нафар педиатрлар, 35 нафар анестезиолог-реаниматологлар малакаларини оширди.

Олиб борилган ишлар натижасида вилоятда оналар ва болалар ўлимини камайтиришга эришилди.

Айни вақтда бу борада ҳали йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам кўп. Йиғилишда асосий эътибор ана шунга қаратилди. Хусусан, жойларда туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида учраётган экстрагенитал касалликларнинг олдини олиш, бўлажак оналар ва ўсмир қизлар ўртасида тиббий тарбияни йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда республика ҳукуматининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг ва атирофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш ва бу борадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳокимликлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш, маҳалла, адлия, ёшлар ҳамда диний идоралар вакиллари билан биргаликда кенг кўламдаги тарғибот, ташвиқот, тушунтириш ишларини ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди.

Фанлар академияси 60 йиллиги олдида

Илмий-амалий анжуман

Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-куёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасига қарашли Физика-техника институти Ўрта Осиёда ўз йўналиши бўйича вужудга келган илк илмий муассаса эди. 1943 йил Физика-техника лабораторияси асосида ташкил топган мазкур институтда ривожланган кўлаб илмий йўналишлар кейинчалик фаннинг бир қатор соҳалари тараққиётига хизмат қилди.

Илмий муассаса бўлимлари асосида Ядро физикаси, Электроника институтлари, "Физика-куёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Мавжуд лабораториялар ва Паркентдаги "Катта куёш печи" асосида Материалшунослик институти фаолияти йўлга қўйилди.

ИНТАС, ИНКОКОПЕРНИКУС, НАТО каби халқаро ташкилотлар гранти асосида олиб борилган изланишлар самарали натижа берди. Куёш энергиясидан фойдаланиш, интернет тармогини ривожлантириш, ярим ўтказгичли материаллар ҳосил қилиш ва уларнинг хоссаларини ўрганишга бағишланган олти та хорижий грант бўйича изланиш давом эттирилмоқда.

Физика фанининг илмий-амалий муаммоларига бағишлаб институтда ташкил этилган анжуманнинг очилиш маросимида шу ҳақда сўз юритилди. Икки кун давом этадиган тадбирда фаннинг мазкур йўналишида кўлга киритилаётган ютуқлар, галдаги вазифалар ҳамда халқаро ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилади.

Ў.А.

Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиётимиз келажаги

ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси шунинг август ойида қабул қилган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тўздан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари катори Чирчиқда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Унда тадбиркорлик тузилмаларини рўйхатга олиш жараёни ниҳоятда соддалаштирилганлиги бу ҳаракатнинг сезиларли жонланишига олиб келди.

Маълумки, қарор чиқмасдан илгари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ҳар бир фуқаро рўйхатдан ўтиш учун ўнга яқин мутасадди идо-

раларга мурожаат қилишга мажбур эди. Эндиликда улар шундай мураккаб юмушдан ҳоли бўлдилар. Бу иш фақат маҳаллий ҳокимлик қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмаларини рўйхатга олиш инспекцияси зиммасига юкланди. У рўйхатга олишнинг барча жараёнлари билан шуғулланади.

Ишбилармонлик билан фаолият юритиш, тадбиркорлар сафига қўшилиш истагини билдирган ҳар бир фуқарога шу инспекция ходимлари барча лозим ёрдамни кўрсатадилар, зарур бўладиган ҳамма ҳужжатларни тайёрлайдилар ва расмийлаштирадилар.

Қарор чиққанидан кейин ўтган қисқа вақт ичида мулкдорлар қаторига кириш хоҳишини билдирувчилар анча кўпайди. Чунончи, шаҳар инспекциясига давлат рўйхатидан ўтказишни илтимос қилиб ўн бир нафар юридик ва 36 нафар жисмоний шахслар мурожаат қилдилар. Уларнинг ҳам-

маси учун зарур ҳужжатлар бир ой ичида тайёрланди ҳамда рўйхатга олинди. Шу даврда барча юридик шахслар ва қатор жисмоний шахсларнинг турар жойлари фаолият манзилига айлантирилди. Яъни уларини яшамайдиган бинолар қаторига ўтказиш билан боғлиқ бўлган техникавий ҳужжатлар мутасадди идоралар билан келишилди.

Йил давомида 91 та янги кичик ва бизнес корхоналари рўйхатга олинди. Яқка тартибда фаолият кўрсатаётган ишбилармонлар сафига яна 65 та чирчиқликлар қўшилди. Бу шаҳарда ишсизлик муаммосини муайян даражада ҳал қилишга ёрдам берди. Бекор юрган юзлаб фуқаролар, айниқса, йигит-қизлар фойдали меҳнатга жалб қилиндилар.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

*Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ва-
зирлиги ташаббуси билан
"Қишлоқ ҳўжалигида иқтисо-
дий ислохотларни янада чу-
қурлаштириш асослари"*



*ҳамда "Ту-
гатилаёт-
ган қишлоқ
ҳўжалиги
корхонала-*

*ри негизда фермер ҳўжалик-
лари ташкил этиш ва уларга
хизмат қилувчи инфратузил-
ма объектларини барпо этиш
бўйича услубий тавсиялар"*
деб номланган янги китоблар
босмадан чиқди.

Мазкур китобларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз аграр тармоғидаги ислохотлар кўламини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги ҳамда "2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликлари ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги фармонлари, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа бир қанча муҳим меъёрий ҳужжатлар жамланган.

Шунингдек, уларда ширкат, фермер ҳўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи муқобил МТП ҳамда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг намунавий низомлари, фермерликка даъвогарлар учун танлов ўтказиш тартибларига ўрин берилган.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Якун, таҳлил, хулоса

Бу йил ҳўжаликда 530 гектар майдонга галла экиш режалаштирилган эди. Бунинг учун ҳўжаликда синалган навлар танланди. Чунончи, 241 гектарга «Крошка», 48 гектарга «Паловчанка», 38 гектарга «Чиллаки» нав бугдой экилди. Қолган майдонга уруғлик галла етиштириш мақсадида «Крошка» нав бугдойнинг элита уруғи сепилди.

Очиқ майдонларга галла экишга 14 сентябрдан киришилганди. Уруғлик галла учун мўлжалланган элита уруғлигини сепиш эса чўзилиб кетиб, яқинда экиб бўлинди. Бу муддат, айниқса, уруғлик галла учун кеч эмасми?

— Бир ҳисобдан кеч, албатта, — дейди ҳўжаликнинг бош ҳосилоти Рўзимат Асадов. — Аммо бу мўл ва сифатли уруғлик галладан умид узилди дегани эмас. Галлани барвақтроқ экиб, қишгача яхши туплатиб олган маъқул аслида. Масалан, 14 сентябрда экилган 10 гектарлик майдондаги галла майсаси ҳозир кўзни қувонтиради. Лекин биз ўтган йили 20-22 ноябрда экилган майдонлардан ҳам 40 центнердан ошириб ҳосил олдик. Фақат шуниси борки, кеч экилган галла ортиқча ташвиш, қўшимча ишлов талаб қилади. Шу боис биз ҳар йили октябрнинг ўрталарида экишни тугаллаш учун жиддий тайёргарлик кўрамиз. Бироқ экиш муддати бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ноябрга сурилиб кетаяпти.

Гап шундаки, элита галла уруғлиги Андижон вилоятидан келтирилади. У анча кечикиб келаётгани устига, мутахассисларнинг кузатишларига қараганда сифати ҳам талабга жавоб берамаяпти. Масалан, «Ўжакент»га яқинда берилган «Крошка» нав элита уруғлик бугдой биринчидан, ўтган йилги ҳосилдан. Иккинчидан эса, мита тушган. Демак, гектарига агротехника талаби миқдорида уруғлик тушса, ўзидан ўзи кўчат сийрак бўлиб қолади. Пудратчилар режадаги ҳосилни ололмайдилар. Бундан ҳўжалик ҳам катта иқтисо-

дий зарар кўради. Бунга йўл қўймаслик учун ортиқча сарфхаражат қилишга тўғри келади. Хусусан, бу йилги элита уруғлик ҳам мита тушганлиги ҳисобга олиниб, қалинроқ сепилди. Аниқроғи гектарига 293 килограммдан уруғлик тўғри келди. Бу одатдаги меъёрдан камида 50-60 килограмм кўпдир. Оддий ҳисоб-китобдан маълумки, 220 гектар майдонга 8-10 тонна ортиқча уруғлик

кўришса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Юқорида таъкидланганидек, уруғлик масаласидаги муаммоларга қарамай, «Ўжакент» ҳар йили тумандаги юқори ҳосилли ҳўжаликлардан бири сифатида галлачиликдан яхши даромад олмақда. Айниқса, пудратчилар меҳнатларига яраша даромадли бўлмақдалар. Чунончи, бу йил 490 гектар майдондан салкам 2 минг тонналик галла хирмони уйилди. Ҳосилдорлик қарийб 41 центнерданга тўғри келди. Бу

бошлаб, бутун ўсиш давомиди тўрт хил минерал ўғит берилади. Аммо, ҳамма ҳўжаликларда ҳам бунга амал қилинавермайди. «Ўжакент»да эса, бу тадбир қатъий назоратга олинган. Масалан, ўтган йил кузда экилган 490 гектар галлага парвариш даврида 136 тонна сульфат аммоний, 28,8 тонна хлорат калий, 21,1 тонна аммофос ва 218,8 тонна аммиакли селитра берилди. Бошқача қилиб айтганда гектарига 814 килограммданга тўғри келди ёки 66 минг сўмлик ўғит сарфланди. Бироқ

бу харажат юқори ҳосилдорлик ҳисобига ҳўжаликка даромад бўлиб қайтди.

Бу йил ҳўжаликда 120 гектар очиқ майдонга, 410 гектар гўза қатор орасига галла экилди. Бу бежиз эмас. Очиқ майдон турли экинлардан бўшаган ер. Бу экинларга эса, одатда кўп ўғит берилмаган. Иккинчидан, ерлар, албатта, ҳайдалиб, сўнг уруғлик дон сепилади. Гўза қатор ора-ларига эса, биринчи те-

римдан сўнг енгил культивация қилиб, экилаверади. Гўзага берилган ўғитнинг анчагина қисми тупроқда сақланиб қолган бўлиб, у галла майсасига ҳам етарли озуқа бўлади. Яъни кузда бу майдонларга ортиқча ўғит сарфланмайди. Бугдой эса, яхши ривожланиб, қалин туплаган ҳолда қишга киради. Фақат гўзапо-ядан эртароқ тозаланса бас. Лекин бу ҳам ҳўжалик учун муаммо эмас. Мавжуд 2 та гўзапо-я майдолагич бу йил тўрттага етказилди. Натижада дастлабки галла экилган майдонлардаги гўзапо-я барвақт майдаланиб, бугдой майсаларининг қуёш ва ҳаводан тўла баҳраманд бўлиб, дуркун ривожланиши учун шароит яратилди. Аксарият майдонлардаги баравж галла майсалари ҳам шундан далолат бериб турипти. Демак, ҳар йилгидек, мўл галла ҳосили олиш учун пухта замин яратилаётгани шубҳасиздир.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОНИЯТ ИЗЛАБ

галлани агротехника тадбирлари асосида парвариш қилаётган «Ўжакент» ширкат ҳўжалиги Қуйичирчиқ

туманида юқори ҳосилдорликка эришмоқда

сарфланган. Ҳўжаликнинг ўзи айбдор бўлмаган ҳолда шунча иқтисодий зарар кўриши инсофданми? Наҳотки, бундай яроқсиз таъминот услубини тартибга солишнинг иложи йўқ бўлса? Ахир ўртада шартнома деган гаплар бор.

Бир эмас, бир неча марта «емаган сомсага пул тўлаш»га мажбур бўлган мутахассислар шундай фикр билдирмоқдалар. Уруғликни олис вилоятлардан келтириб юрмай, ҳар бир ҳудуднинг ўзида тайёрлаш мумкин. Тўғри, уруғликни саралаш, дорилаш анча жиддий, мураккаб кимёвий жараён. Бу ишни фақат махсус малакага эга бўлган мутахассислар ба-жаришлари керак. Шу боис уруғлик тайёрлаш ҳар бир туманининг ўзида марказлаштирилса, биринчидан, кеч экиш муаммоси ўз-ўзидан барҳам топади. Иккинчидан, туманда ўз ҳўжаликлари учун ҳеч қачон сифатсиз уруғ тайёрланмайди. Хуллас, бевосита галла етиштириш билан шуғулланадиган мутахассисларнинг ушбу фикрлари хусусида мутасадди ташкилотлар эътибор билан ўйлаб

режага нисбатан 105 фоизга тенг. Давлатга галла сотиш шартнома режаси 102 фоиз қилиб бажарилганидан сўнг ҳўжаликнинг ўзига 700 тоннадан зиёд бугдой қолди.

Айрим илғор пудратчилар ҳосилдорликини 50 центнердан оширдилар. Жумладан, 14 гектар майдонда бугдой етиштирилган пудратчи Йўли Дўстов 52 центнердан хирмон кўтарди. Шартномадагидан ортиқча 19 тонна бугдой ўзига қолди. Собир Ўроқбоев ҳам 12 гектардан 60 тонна бугдой ўриб-янчиб олди. Шундан 48 тоннасини ҳўжаликка топширди ва меҳнатига яраша даромадли бўлди.

Бош ҳосилотнинг таъкидла-шича, бугдойдан мўл ҳосил олишнинг қатъий амал қилиниши зарур бўлган иккита шарт бор. Биринчиси — белгиланган меъёрдаги ўғитни тўлиқ ва вақтида бериш. Иккинчиси — парвариш яхши бўлиши учун пудратчиларга ҳамма шароитни яратиш ва моддий рағбатлантириш.

Агротехника талабларига мувофиқ галлани экишдан

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

«XXI аср ўлати» деб ном олган орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) одам танасидаги қаршилик кўрсатиш қобилиятининг сўсайиши билан кечадиган юқумли касалликдир. У ҳақдаги дастлабки маълумотлар матбу-отда 1981 йили пайдо бўлди.



Америка Қўшма Штатларидаги Жоржиа штатининг Атланта шаҳри ёшлари ўртасида тиббий текширув ўтказилганда, пневмоцис пневмония ва камдан-кам учрайдиган ўсма — Кампоши саркомаси қайд қилинди. Беморларнинг кўпчилиги бесоқолбозлар эканлиги ҳам аниқланди. Бу ҳодисадан кейин худди шундай касаллиги бор беморлар гиёҳвандлар орасида ҳам қайд қилинди. Қисқа вақт ичида танага иккиламчи инфекция тушганда пай-

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

до бўладиган, оқибати ўлим билан тугайдиган бу сирли касаллик кескин кўпайиб кетди.

ОИТС кўзга-тувчиси бўлган одам иммун танқислиги вирусини

(ОИВ) лаборатория шароитида биринчи марта 1983 йил ажратиб олинди. Париждаги Пастер институтининг профессори Люк Монтанье раҳбарлигида лимфа тугунлари катталашиб кетган беморлардан учинчи типдаги Т-лимфотроп одам ретро-вируслари топилди.

ОИТС вируслари соғлом одамга бемордан, бевосита мулоқот, парентрал ва вертикал йўл билан юқади.

Бевосита мулоқот орқали асосан гайритабiiй ва бетар-

тиб жинсий алоқада бўлувчилар касалланади.

Парентрал йўл билан юкиш, санчилувчи ва кесувчи турли тиббий ва маиший асбоб-ускуналар воситасида тери ва

шиллик қаватларнинг бутунлиги бузилиши натижасида рўй беради. Бунга етарлича зарарсизлантирилмаган жаррохлик, доялик, стоматология асбоб-ускуналари сабаб бўлади. Шприцлар, игналар орқали, жумладан, игна санчиб даволаш жараёнида ОИТС вируслари юкиб қолади.

ОИТС вирусининг юкишида қон ва қон маҳсулотларини қуйиш етакчи ўрин тутати.

Вертикал йўл билан хасталик она қорнидаги болага йўлдош орқали ва туғиш жараёнида туғруқ йўлларида онанинг қони билан ифлосланиш орқали ўтади.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар куни 18 минг 500 киши бу хасталикни ўзига юктириб олмақда.

Жисмоний меҳнат қилганда тез чарчаш, дармонсизлик,



тана ҳароратининг 37-38 С° гача кўтарилиши, иштаҳа ва уйқунинг бузилиши ОИТСнинг

дастлабки белгилари ҳисобланади. Тез кунда бемор қоксу-як бўлиб, ориқлаб кетади, тана оғирлигини ўн фоизгача ва ундан ҳам ортиқроқ йўқотади, меъда-ичак фаолиятининг узок вақт бузилиши, бир кунда 10-15 мартагача ич кетиши ойлаб давом этади. Кейинчалик зотилжам ривожланиб, лаб, бурун, оғиз бўшлиғи ва жинсий аъзоларнинг шиллиқ қава-тига ва атрофига учуқ тошади. Булар бири-бири билан қўшилиб, йирингли ярага айланиб кетадики, улар узок вақтгача тузалмай, беморнинг аҳволини янада ёмонлаштиради. ОИТС касаллигининг олдин олиш ва унга қарши кураш борасида узок муддатга мўлжалланган ҳукумат дастури амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг ўтган 11 ойи давомида вилоят аҳолисининг

турли қатламлари орасида 46 та оммавий-тарғибот тадбири ўтказилиб, уларда 13588 киши қатнашди.

ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашга бағишлаб ёшлар томонидан чизилган расмларнинг кўрик-танловлари ташкил этилмоқда. Шеър ва қўшиқлар ижро этилиб, сахналаштирилган томошалар намойиш қилинапти.

Турмуш ва соғлом оила қуришга эришиш учун ҳар бир киши тасодифий, дуч келган шахслар билан жинсий алоқада бўлишдан тийилиши шарт. Даволанишда эса стерилизация қилинмаган шприц ва игналардан фойдаланмаслик, фақат бир марта ишлатиладиганларидан фойдаланиш лозим. Агарда одам ўзидан жиндек шубҳалана бошласа, дарҳол мутахассисларга мурожаат қилиши керак.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
вилоят ОИТС маркази
мутахассиси, тиббиёт
фанлари номзоди.

Ғафур ТОЖИБОВЕВ,
вилоят давлат санитария-
эпидемиология назорати
маркази бош врач
ўринбосари, тиббиёт
фанлари номзоди.

интервью.
19.50 Муסיкий лаҳза.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ватан истиқболидир». Видеофильм 1-қисм.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 -23.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу

хам кино».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал:

«23,5 бурчак остида».
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.50 «Эл хизматида».
21.25 «Долзарб мавзу».
21.40 ТТВда сериал: «Лүлининг бахти».
22.40 Кинониҳол.
«Бошпана излаб».
24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 6.00-8.30.
18.00 Кўрсатувлар

тартиби.
18.05 «Вести».
18.15 Мультфильм.
18.45 «Евроныйос» янгилликлари.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Эслашлари учун» Л. Филатов хотирасига бағишланади.
21.00 «Время».
21.30 «Ташвишли шанба». Бадий фильм.
2-қисм.
22.40 «Бизнес ревью».

22.45 «Соломея». Сериал.
23.35 «FCN Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
23.45 «Ахборот».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт».

«Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Қизил кўёш».
Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.40 Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» кинооқшом: «Дудланган гўшт» операцияси.
19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
19.45 «Турецкий марши». Сериал.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшом: «Тўй».
23.15 Спорт дастури.

JUMA

5

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли тилак».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлари.
10.05 «Мулқдор».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.40 «Дугор ва танбур наволари».
12.05 «Парламент вақти».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Муסיқа: кеча ва бугун».
12.50 «Ошин». Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.55 Кундузги сеанс:

«Дерсу Узала». Бадий фильм. 2-қисм.
16.05 «Аския».
16.25 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.45 «Нурли манзиллар».
18.10 ТВ клип.
18.15 Долзарб мавзу.
18.45 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «ЎзДЭУавто Сиз учун».
22.00 «Қиш сонатаси».
Телесериал.
23.10 «Ахборот-дай-жест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Жаҳон жуғрофияси.
10.10 Тонгги сериал: «Рамана».
10.45 «Давр» - интервью.
11.00 ТВ - анонс.
11.05 Кўёшли юрт одамлари.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 ТВ - анонс.
12.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ватан истиқболидир». Видеофильм 1-қисм

12.50 Муסיкий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».
13.40 Мезон.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Муסיкий лаҳзалар.
15.50 Ракурс.
16.10 «Тўғри сўзинг тўқмоғи». Бадий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.45 «Лоф уришга ким уста». Мультфильм.
17.55 Хазина.
18.10 Аскар мактублари.
18.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Ёшлар ва ҳуқуқ».
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - нигоҳи.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк

келажак пойдевори» туркумидан: «Соғлом авлод-соғлом миллат». Видеофильм 2-қисм.
20.15 Муסיкий лаҳза.
20.20 Азизим.
20.45, 22.35 Ёшлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Футбол плюс.
2. Ринг кироллари.
0.05 -0.10 Хайрли тун, шахрим!

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу хам кино».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Мультфильм.
18.30, 20.00, 20.45, 22.35 «Пойтахт»

ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23,5 бурчак остида».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.45 «Ўзбекистон Конституцияси-истикболимиз қомуси».
21.05 ТТВда сериал: «Лүлининг бахти».
21.45 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.
22.55 Кинониҳол. «Қирол ови».
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 6.00-8.30.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Вести».
18.15 «Кулгу хонаси».
19.00 «Бинафша».
19.30 «Евроныйос» янгилликлари.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».

21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Стиль».
22.15 «Хит парад».
22.50 Нима? Қерда? Қачон?
00.10 «Ахборот».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Кикбоксинг империяси».
11.10 «Сан-Тропе».
Сериал. 12.00 «Тўй».
Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-да спорт».
16.40 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» да ринг кироллари.
18.50 Юмор дастури.
19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
19.45 «Турецкий марши».
Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшом: «Марафончи».
23.15 Спорт дастури.

Shanba

6

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Муסיқа дунёси». Телеальманах.
10.20 «Хидоят сари».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 Телевизион миниатюралар театри.
11.55, 14.20 ТВ клип.
12.05 «Қалб гавҳари».
12.25, 14.50 ТВ анонс.
12.30 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
12.50 «Санъат бахшида умр».
13.10 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.30 «Адабий жараён».
14.55 «Ягона оилада».
15.25 «Сўнги совға».
Бадий фильм.

17.15 Муסיкий танаффус.
17.20 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
17.35 «Изҳор».
17.50 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.20 Репортаж.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
22.35 «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.45 «Ахборот-дай-жест».
00.05 «КиноТеатр».
00.25-00.30 Ватан

тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Табот оламида.
10.20 Ринг кироллари.
11.10 ТВ - анонс.
11.15 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.55 Кутилмаган меҳмон.
12.15 Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари куйлайди.
12.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Соғлом авлод - соғлом миллат». Видеофильм 2-қисм.
12.50 «Океан тубида». Бадий фильм.

14.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.55 Фазал соғинчи.
15.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.05 «Чарх». Видеофильм.
16.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Ёшлар ва ҳуқуқ».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
Келинг, танишайлик.
18.00 «Билмасвой рулда». Мультфильм.
18.20 Бизнес академия.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Бозор иқтисоди: кичик ва ўрта бизнес ривож - жамият. тараққиётнинг асосидир».

Видеофильм 3-қисм.
20.10 Муסיкий лаҳзалар.
20.25, 21.10, 22.35 Ёшлар.
20.30 «Дон Кихот».
Бадий фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Рицар қиссаси».
Бадий фильм 1-қисм.
23.55 -0.00 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу хам кино».
17.45 «Мултчархпалак».
18.05, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.40 «Жаҳон географияси».
20.10 «Нима учун?»
20.40 ТТВда сериал: «23,5 бурчак остида».
21.40 Кинониҳол.
«Астерикс ва Обеликс

Цезарга қарши».
23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «М. Боярский «Муҳаббат тарихи» кўрсатувида».
11.10 Болалар соати. Мультфильм.
12.30 «Ишбилармон кишилар».
12.50 «Бола бошидан».
13.05 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг Ўзбекистон», «Бизнен мирас».
17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Премьера. Ж. Чан, Ж. К. Ван Дамм, Рутгер Хауэр «Трюкачлар» экстремал шоуида.
18.00 «Янгилликлари».
18.10 «Трилогия». Алсу ижросидаги концерт дастури.
19.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
21.00 «Время».
21.25 «Сўнги қахрамон».
22.30 «Олтин граммофон».
23.30 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур».
12.00 Оилавий кино. «Марафончи».
13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кинооқшом: «Қўл келган битим».
19.45 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
20.00 «Спорт-экстрим».
20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома.
21.05 «Ғурурик кодекси».
Сериал. 22.00 «30-канал» да кинооқшом: «Аждаҳолар жанги».
23.45 Муסיкий дастур.

Yakshanba

7

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Рақибингиз - гротеск».
12.25 «Маърифат». Телеальманах.
12.40 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
13.20 ТВ клип.
13.30 «КиноТеатр».
13.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
15.00 «Чаман ичра».
Муסיкий композиция.
15.20 «Келининг отаси». Бадий фильм.
16.50 «Олимп сари йўл». Спорт дастури.

17.05 «Экран хандаси».
«Болалар сайёраси»:
17.35 1. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
2. «Ҳаёт дарслиги».
18.35 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қизлар давраси».
22.25 ТВ клип.
22.30 «Қиш сонатаси». Телесериал.
«Якшанба кинозали».
23.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бланш».
Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
Келинг, танишайлик.
9.55 Қувноқ стартир.
10.25 Очил дастурхон.
10.45 Чемпион сирлари.
11.05 Муסיкий лаҳзалар.
12.20 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон 2.Аскар мактублари.
12.00 «Дон Кихот».
Бадий фильм 1-қисм.
12.40 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Бозор иқтисоди: кичик ва ўрта бизнес ривож - жамият. тараққиётнинг асосидир».
Видеофильм 3-қисм
13.00 Оҳанрабо.
13.40 «Яратганга шукур». Бадий фильм.
15.20 Азизим.

15.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.35 «Умр дафтари» туркумидан: «Юнус Ражабий». Видеофильм 1-қисм.
16.55 Ёшлар овози.
17.15 «Умр дафтари» туркумидан: «Юнус Ражабий». Видеофильм 2-қисм.
17.35 ТВ - анонс.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
18.10 Оила тилсими.
18.35 Спорт ҳафтанома-си.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 «Нихол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
19.45 Минг бир ривоят.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Маҳалла Ватан ичра Ватандир».
Видеофильм 4-қисм.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15, 21.00, 22.30 Ёшлар.
20.20 «Дон Кихот».
Бадий фильм 2-қисм.
21.05 «Заковат» саралаш ўйинлари.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Рицар қиссаси».
Бадий фильм 2-қисм.
23.50 -23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу хам кино».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.25, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «ТВ плюс».
21.05 ТТВда сериал: «23,5 бурчак остида».
22.05 Кинониҳол.
«Маккензи ороли».

23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили курси».
9.15 «Соғлом овқатла-ниш сирлари».
9.25 «Мультсенс».
10.00 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдарлари».
10.20 «Ҳамма уйдалиги-да».
10.50 «Уйғоқ кайфият».
Информацион-дам олиш кўрсатуви.
12.20 «Дорихона эшитида».
13.10-14.30. Дўстлик видеоканали: «Дидар».
«Айчурек», «Ватан сурури», «Чинсэн».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Билишни истайман».
17.15 «Хикоя».
17.35 «Дунёга назар».
18.00 «Қийиш кўзгу». Е. Петросян таклиф этади.

20.00 «Тенгдошлар».
20.30 «Профиль».
20.50 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
21.20 «Кинопрофи».
21.40 Кинематограф.
«Бошқалар». Бадий фильм.
23.10 «Тахлилнома».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Аждаҳолар жанги».
13.40 Шоу дастури. 14.30 Кундузги кинозал. «Қизқарли ҳаёт».
16.10 Маърифий дастур.
16.40 Муסיкий дастур.
17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кинооқшом: «Қўл келган битим».
2-серия. 19.45 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
20.00 «Спорт-экстрим».
21.05 «Ғурурик кодекси».
Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшом: «Наханг-3».
23.45 Спорт шарҳи.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

27 ноябрь кўни Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган, Виктор Борисов бош мураббий бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кеча 28 ноябрь кўни Мали ёшлар терма жамоаси билан ilk учрашувини ўтказди.

Ўтган йили Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олиб, жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган вакилларимиз ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўрди. Айниқса, миллий чемпионатнинг ҳар туридан сўнг терма жамоага номзодларнинг уч кунлик ўқув-машгулот йиғинларига жалб этилиши футболчиларимизнинг жисмоний, руҳий тайёргарлигини анча оширди. Натижада I Афро-Осиё ўйинларида улар Эрон, Буркина-Фасо, Зимбабве, Уганда ва Ҳиндистон миллий терма жамоаларига қарши ажойиб ўйин кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

БААга борадиган футболчиларимизга қуръа биров омадсиз келди. Терма жамоамизга "ўлим гуруҳи" деб эътироф этилган энг кучли "В" гуруҳидан жой теги. Мазкур гуруҳдан жой олган энг кучли терма жамоа, шубҳасиз Аргентина ёшлар терма жамоасидир. Мазкур жамоанинг ишонган ўйинчиси "Ривер Плейт" ҳужумчиси Ф.Кавенагидир. Юсак техника, катта тезлик ва кучли зарбага эга бу ўйинчи терма жамоанинг яна бир аъзоси Карлос Тевес билан Аргентина миллий чемпионатида тўпурарлар сафида бормоқда. Ўйин чоғида уларни тўп билан таъминлаб турадиган ярим ҳимоячи Осмар Фер-

рейра ҳам Аргентина футболнинг ёрқин юлдузларидан саналади.

Яна бир гуруҳдош - Испания терма жамоаси таркибида "Барселона" аъзолари - А.Иниеста, К.Пена ва С.Гарсия, "Реал"дан Хуанфран, "Атлетико"дан Г.Габри каби номдор футболчиларнинг ўйини аргентиналиклардан асло қолишмайди.

Учинчи гуруҳдош - Мали терма жамоаси Европа майдонларида ўйнаётган Д.Диар-

ра, С.Туре, Х.Сиссе, М.Берте, М.Диагурага каби умидли футболчиларига таянади.

Жаҳон чемпионатида чиройли ўйинлар билан муҳлисларни хушнуд этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркиби ҳам рақиблардан қолишмайди. Иқтидорли дарвозабон Темур Ғаниев ("Металлург" Донецк), Александр Гейнрих ("ЦСКА" Москва), Владимир Аникин ("Рига" Латвия) ҳамда Илёс Зейтуллаев ("Ювентус" Италия) Европа жамоалари ишончини қозонган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарвозабон Игнатий Нестеров, ҳимоячи Ярослав Крушельницкий, ҳужумчи Марат Бикмаев каби иқтидорли футболчиларимиз БАА майдонларидаги ўйи-

ни хорижлик селекционерлар эътиборини жалб қила олади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида тайёргарликни БААда яқунлади. Мамлакат об-ҳавосига мослашиш учун чемпионат бошланишидан анча олдин бу ерга келган вакилларимиз маҳаллий жамоаларнинг иккитаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Футболчиларимиз 28 ноябрь кўни Шаржа шаҳридаги "Аш-Шаржа" стадионида жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашувини Мали ёшлар терма жамоасига қарши ўтказди. Жаҳон чемпионати қоида-сига қўра, олтига гуруҳдан дастлабки икки поғона эгаси ва энг яхши кўрсаткичга эга бўлган тўртта учинчи ўрин соҳиби нимчорак баҳсларига чиқади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



СУРАТДА: Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси.

«ТАНКЧИ» КУБОК СОҲИБИ

Намангандаги "Паҳлавон" спорт мажмуида гандбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Чирчик, Наманган ва бошқа шаҳарлардан етакчи ҳаваскор жамоалар иштирок этди.

Республикаимизнинг кўп қарра чемпиони Чирчикнинг "Танкчи" жамоаси асосий кубокни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Миллий университети, учинчи ўрин Наманган давлат университети спортчиларига насиб этди.

МОТОКРОССЧИЛАР ОЛМАЛИҚДА

Ўзбекистон мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Олмалиқ автомобиль мактаби ҳамкорликда мотокросс бўйича мусобақа ўтказди.

Олмалиқда бўлиб ўтган ушбу республика мусобақасида саккиз вилоят ҳамда қўшни Қозғистондан келган юзга яқин мотопойгачи куч синашди.

Уч кун давом этган беллашувларда Тошкент вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Навоийликларга иккинчи, хоразмлик спортчиларга учинчи ўрин насиб этди.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида

2003 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган ким ошди савдосида Зангиота тумани ҳудудидан ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 5 та ер майдонлари 2820000 сўмга, «Доган» русумли давлат автотранспорти 830000 сўмга, «РАФ-2203» русумли давлат автотранспорти 1400000 сўмга сотилди.

2003 йил 3, 5, 7 ноябрь кўни ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Янгийўл туманлари ҳудудида жойлашган жами 5 та нодавлат қурилиш тугалланмаган уй-жой биноси жами 1050000 сўмга, Қибрай, Бўстонлик, Ўртачирчик, Тошкент, Чиноз туманлари ва Охангарон, Чирчик шаҳарлари ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 29092000 сўмга сотилди.

2003 йил 10, 12, 14 ноябрь кўни ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Юқоричирчик туманлари ҳудудида жойлашган 14 та нодавлат қурилиш тугалланмаган уй-жой биноси жами 3736000 сўмга, Қибрай, Тошкент, Чиноз туманлари ва Охангарон, Чирчик шаҳарлари ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 39320000 сўмга сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали

Сиз азизларни **2003 йил 31 декабрь** соат **11.00** да ва **2004 йил 6, 13, 20, 27 январь** кунлари соат **12.00** да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Паркент тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Хисарак» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 га бўлган 8 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 78 672 сўм.

2. Тошкент вилояти, Гўлбаҳор қўрғонида жойлашган, «Сут ошхонаси» биноси.

Бошланғич баҳоси — 3 182 200 сўм.

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 11 АВ 570, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 060 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекциясига қарашли «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 11 АВ 264, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 060 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 11 АИ 217, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1060 000 сўм.

6. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 11 АВ 335, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 060 000 сўм.

7. Янгийўл тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли, «ВАЗ-21053» русумли, давлат рақами 11 АВ 445 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 027 300 сўм.

Кўчмас мулк объектларига ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш ким ошди савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш ким ошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «XususiyLashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

КОНГО:

КЎЛДАГИ ТЎҚНАШУВ ТУФАЙЛИ

Конго демократик республикасидаги кўлда юз берган кемалар тўқнашуви туфайли 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Ҳалокат 26 ноябрь куни тунда Инонго шаҳри яқинида рўй берди. Расмий доиралар ҳалок бўлганларнинг аниқ сонини айтишдан ўзларини тийиб, фақат «дом-дараксиз йўқолган кўплаб одамлар» борлигини маълум қилмоқдалар, холос.

АҚШ:

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

АҚШ конгресси сешанба куни янги федерал қонун лойиҳасини қабул қилди. У электрон почта орқали реклама мазмунидаги хатларни оммавий тарқатиш - спамга қарши курашга йўналтирилган. Мазкур янги қонунга мувофиқ одамларга реклама хатларини жўнатувчи хусусий шахслар ва компаниялар қамок муддати ҳамда жари-малар билан жазоланадилар.

ГРУЗИЯ:

ФАҚАТ БЕШ НОМЗОД

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе истеъфо бергач, Грузия давлат раҳбари вазифасини мамлакат парламенти раиси Нино Буржанадзе бажариб турибди. Мамлакат конституциясига мувофиқ, муддатдан илгари президентлик сайловлари қирқ беш кундан кечиктирилмай ўтказилиши керак. Бу тadbир 2004 йил 4 январда ўтказиладиган бўлди.

Грузия Марказий сайлов комиссияси президентликка номзод сифатида фақат беш кишининг ари-засини қабул қилди. Булар давлат хавфсизлик хизмати бошлиғи Игорь Георгадзе, «Миллий ҳаракат» ва «Буржанадзе-демократлар» блокдан ягона номзод Михаил Саакашвили, «Давид Курувчи жамияти» раҳбари Роин Липартелиани, Грузия адвокатлари уюшмасидан Картлос Гарибашвили ва ҳуқуқ ҳимоячиси Георгий Корганашвилилардир.

АВСТРАЛИЯ:

ПАСПОРТДАГИ ЯНГИЛИК

Австралия паспорт-виза хизмати мамлакат ҳудудида янги намунадаги паспортни муомалага киритди. Уни сохталаштиришдан муҳофаза қилиш мақсадида ҳужжатга мамлакат рамзи - кенгурнинг голографик тасвири туширилган. Бу тасвирга турли бурчақдан назар ташланса, жонивор сакраёт-гандек туюлади.

КАЛИФОРНИЯДА ЁРДАМЧИ ФИЛЛАР

Калифорниядаги ҳайвонот боғида антика воқеа рўй берди. Боғ маъмурияти талабгорлар учун янги хизмат турини, яъни филлар ёрдамида автомобиль ювишни тавсия этди. Бу антика ишни «Жуди» лақабли ҳинд фили амалга оширмоқда. У хартуми орқали 25 литр сувни автомобилга сепеди ва латта билан ар-тиб кўяди. «Жуди» машиналарни яхши ювиши билан бир қаторда арзон ҳам. Бор йўғи бир ҳовуч ерёнғоқ эвазига машинангизни топ-тоза қилиб кўяди.



ҚИММАТЛИК ҚИЛДИ

Японияда 522 километр тезлик билан ҳаракатланадиган поезд «Қизил китоб»га киритилди. Японларнинг «Maglev» поезди мана бир неча йилдан бери такомиллашиб бормоқда. У 160 километр тезликка етиб олгач, учишни бошлайди. Ундаги йўловчилар ўзларини худди ҳаво кемасида кетаётгандай ҳис этадилар. Магнит кучи ёрдамида ишлай оладиган «Maglev» поезди бугунги кунда 8 триллион иенга баҳоланмоқда. Бу транспорт воситасини сотиб олиш ҳамма давлатлар учун ҳам қимматлик қилади.



Шарҳловчи минбари

ҲИНДИСТОН - ПОКИСТОН: ТИНЧЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Чоршанба куни Ҳиндистон билан Покистон ўртасида Кашмирдаги давлат чегараларининг 230 чақиримлик назорат чизигида ҳамда Сиачин музлиги ҳудудида ўт очилани тўхта-тиш ҳақидаги битим кучга кирди.

Куни кеча иккала мамлакат му-дофаа вазирлигининг ҳарбий опе-рациялар департаментлари раҳ-барлари телефон орқали битим-нинг шартларини муҳокама қилган эди. Таъкидлаш жоизки, 14 йил-дан буён илк бор имзоланган маз-кур битим тарихий ҳужжат бўлиб, уни жаҳон ҳамжамияти ҳам қизғин кўллаб-қувватламоқда.

Ўтган йилнинг октябрь ойида навбатдаги қуролли можарога юзма-юз келган Дехли ва Ислом-обод халқаро ҳамжамиятнинг таъ-сири билан қўшинларни чегарадан олиб кетишни бошлаганди. Бироқ Ҳиндистон ҳукумати Жамму ва Кашмир штатида Покистон ҳудуди-дан террорчилар ўтиши тўхтама-ётгани боис ҳарбий бўлинмалари-ни қолдиришга қарор қилди. Шу-нингдек, Покистоннинг чегара ҳуду-дини замбараклардан ўққа тутиш ҳам тўхтамади.

Яқинда Покистон бош вазири Мир Зафаруллохон Жамолий Каш-мир ҳудудидаги Покистон билан Ҳиндистонни ажратиб турган на-зорат чизигида бир томонлама «ярашув» эълон қилганди. Бош ва-зирнинг таъкидлашича, икки қўшни мамлакат ўзаро ишончни қарор

топтириш ва Кашмир масаласини ҳамда бошқа муаммоларни тинч ва адолатли ҳал қилиш учун зарур чораларни кўриши керак.

Ўтган душанба куни у мамлакат телевидениесида чиқиш қилиб, Дехлининг Ҳиндистон билан Поки-стон ўртасида ҳаво, темир йўл ва кема қатнови ҳамда спорт ва ма-даний соҳадаги алоқаларни қайта тиклаш бўйича ташаббусини юқори баҳолади.

Ўз навбатида Ҳиндистон томо-ни ҳам Покистон бош вазирининг Ийд ал-фитр байрами бошлани-ши билан Кашмир ҳудудидаги на-зорат чизигида ўт очишни тўхта-тиш ҳақидаги қарорини ижобий қарши олди.

Кашмир макомини белгилаш масаласи туфайли Ҳиндистон би-лан Покистон ўртасидаги низо икки қўшни мамлакат мустақилликка эришгандан буён давом этиб ке-лади. Мurosасизлик туфайли улар ўртасида уч бор уруш келиб чиқ-ди. Урушларнинг иккитаси айнан, Кашмир сабабли бўлди.

Ҳиндистон билан Покистон ўрта-сида Кашмирдаги назорат чизиги-да ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимнинг имзоланиши Жамму ва Кашмир штатидаги сиёсий ташки-лотларнинг ижобий ташаббуслар билан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Кашмирдаги айирма-чилар илк бор марказий ҳукумат билан музокаралар ўтказишга рози бўлганини маълум қилди. Музока-ралар жараёнида уларнинг манфа-атини «Хуррият» умумпартиялар конференцияси ҳимоя қилади. Мазкур нуфузли иттифок Жамму ва Кашмир штатининг Ҳиндистон федерацияси таркибидан чиқиши-ни ёқлаётган 22 та сиёсий ва ди-ний партиялар ҳамда ташкилотлар-ни бирлаштиради. Иттифок раҳ-барларидан бири Мирваиз Умар Фаруқ журналистлар билан учра-шулда иттифокнинг расмий Дехли билан ҳеч қандай шартларсиз му-зокараларни бошлашга тайёр экан-ини маълум қилди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Венеция кўчаларида...

ТАМАКИНИНГ МУЛОЙИМИ ЙЎҚ

Европа Иттифоқи сигареталарга нисбатан «енгил», ин-глизча «light» ва «mild» сўзларини қўллашни таъқиқлади...

ЕИ соғлиқни сақлаш комиссиясининг фикрича, бу сўз истеъмолчиларни чалғитади ва шу турдаги сигарета-ларни чекиш соғлиққа кам зарар етказиши тўғрисидаги хулосага олиб келади. Шу тариқа тамаки компаниялари ўзларининг «Мальборо лайтс» ва «Майлд Севен» каби оммабоп сига-реталарини Евро-пага сота ол-майди. Қола-верса, энди-ликда чекиш-нинг саломат-ликка зиёни тўғрисидаги маълумот сига-рета устки қис-мининг камида 30 фоизи ва орқа томони-нинг 40 фоизи-ни эгаллаши даркор.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

Bolalik bog'i

TUN VA KUN

Ko'zim ochsam erta tong
Quyosh qarshi oladi.
Ko'zlarimda porillab,
Sevinch, quvonch yonadi.

Har daqiqa quyoshning
Ardog'ida bo'laman.
Quyoshi bor baxtimning
Shodliklarin ko'raman.

Qosh qorayib tun kelsa,
Yulduzlar jamol ochar.
Marvariddek tovlanib,
Tevarakka nur sochar.

Derazadan mo'ralab,
Oy: — Uxla, — der erkalab.
Nuri ketmas xonamdan
To tonggacha allalab.

Asom ZIYOMAT.



Оила мўътабар даргоҳ. Таъбир жоиз бўлса, Ватан ҳам оиладан бошланади. Ҳақиқий юрт фарзандлари ҳам оилада тарбия олади. Ана шундай фарзандлар бахтини кўриш эса ҳар бир ота-она учун бахтдир.

Тошкент туманидаги Кўктерак қишлоғида Абдумавлон ота ва Насибахон ая Азизовлар оиласи ана шундай пиру бадавлат хонадонлар

сирасига киради. Улар тарбиялаб, вояга етказган уч ўғил, уч қиз ҳамиша эл хизматига қамарбаста.

СУРАТДА: Абдумавлонхўжа ота ва Насибахон аялар фарзандлари даврасида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Хуноби ошган аёл ишдан қайтган эрига шикоят қилди:

— Эҳ, бу қизингиз ҳеч вақони билмайди! Ўқитувчиларидан гап эшитавериб, тинкам қуриди! Ярим йилдан бери 1-синфда ўқияпти-ю, баъзи ҳарфларни танимайди. Ўзингиз бир чорасини топмасангиз, қон босимим ошиб, бир дардга чалинишим аниқ. Калласи худди ошқовоқнинг ўзгинаси.

— Бунча ҳам ваҳимачи бўлмагин, — деди унга эри. — Қизим туппа-тузик, ақли ҳам жойида. Фақат «Гвадалупэ»ми, «Мария»ми, яна алламбало «Камила»ми ана шунақа кинолар деса, ўзингни томдан ташламасдан, қизимга салгина эътибор берсанг, ундан эъри, унданда билимдони бўлмайди.

Ичкаридан ота-онасининг

гапини чала-ярим эшитган қизалоқ югуриб чиқди:

— Нима, дадажон, бугун ҳам «Гвадалупэ» бор экан-

Санбранонинг жияни Гвадалупэ Санбрано севган йигит бошқа. У адвокат Альфредо Робинсон бўлади, ҳа. Унга нима бўларкин?

Чақалоғини топишибдими?

— Бекорларни айтибсан, — деди отаси. — Сен айтган адвокат йигит Камилани севади, хўпми?

Қизча яна баттарроқ қаҳқаҳ урди.

— Камила бошқа кинода-ку, унинг севгани бошқа адвокат. Яъни Мигель Бутерис бўлади.

Эри маъноли жилмайиб хотинига қаради:

— Қалай қизим зўра, сен айтгандек, «ошқовоқ» эмас, нақ сериаллар ҳақидаги маълумотлар бюроси. Демак, бундан буён қизимиз ҳақида менга умуман шикоят қила кўрма.

Чарос ДЎСТМАТОВА.

«ОШҚОВОҚ»ДАГИ СЕРИАЛЛАР (Ҳажвия)

ми? «Камила»чи? Соат нечада бошланар экан?

— Ҳа, бор экан, анови бойликка ўч аёл Лизахонмиди? Шунга бир бало бўладиганга ўхшайди?

— Вой, дадажон, номини ҳам тўғри айтолмайсиз-а. Лизахон эмас, Луиза Санбрано.

— Унисичи, униси, жияни севиб қолган йигит. Рудольфами, Радригоми — ўшаниям тақдири ҳал бўладиганга ўхшайди.

— Қанақа Радриго, қанақа Рудольфа? Ахир Луиза



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 29 ноябрь кунни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

Тогли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 11-14 даража иссиқ бўлади.

29 ноябрь — 6 декабрда Тошкентдаги Алишер Навоий номли санъат саройида француз кинеси кунлари ўтказилади.

ТОШКЕНТДА ФРАНЦУЗ ФИЛЬМЛАРИ

Тошкентда тўртинчи бор ўтказиладиган Франция кинеси кунлари учун Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кинорежиссёр Жан-Пол Раппенога бағишланган фильмлар туркумини танлаб олди. Бунинг боиси мазкур режиссёрнинг ижоди Франция киносида алоҳида урин тутати. Жан-Пол Раппено фильмларида француз муסיқали кино анъанала-

ри, жозиба ва ҳажв моҳирона тарзда мужасам этилади.

Ўзбек томошабинлари эътиборига ҳаммаси бўлиб ун икки фильм ҳавола қилинади. Уларнинг олтитаси Жан-Пол Раппено ижодига мансуб бўлса, қолган олтитаси Франция киноасарлари меросидан унинг ўзи танлаб олган фильмлардир.

«Туркистон-пресс».

АСАБИЙ КИШИЛАР УЧУН ДОРИ



Тоза ҳавода фаол ҳаракат қилиш асаб тизими учун энг яхши дори ҳисобланар экан. Пенсильвания штатида (АҚШ) икки гуруҳ беморларни даволаш натижасида шундай хулосага келинди.

Шифокорлар салга ҳаяжонлаб, ташвишга тушадиган ва депрессияга учраган беморларнинг бир гуруҳи билан фақат психотерапияга доир суҳбатлар ўтказганлар. Иккинчи гуруҳдаги беморлар психотерапия билан бирга ҳар кун тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланишган. Орадан ўн кун ўтиши биланок биринчи гуруҳ беморларига қараганда, иккинчи гуруҳдагилар ўзларини жуда яхши ҳис эта бошлаганлар.

Уқинг, қизиқ

БУЮК ЧАПАҚАЙЛАР

Англияда буюк чапақайлар — чап қўлда хат ёзадиган машҳур кишилар рўйхати эълон қилинди. Бу рўйхат Рим императори Тибериядан бошланади. Шунингдек, Леонардо да Винчи ҳам чапақай бўлган. Табиийки, рўйхат яна битта чапақай қиролнинг исму шарифи билан якунланади: қизиқчилар қироли Чарли Чаплин ҳам чапақай бўлган.

Ажабки, «юмалоқ хат» муаллифларини ҳам одатда чап қўл билан ёзади, дейишади. Бу — буюк чапақайлар хотирасига ҳақорат эмасми?!

БАЛЬЗАКНИНГ ЭРМАКЛАРИ

Машҳур француз адиби «Инсоният комедияси» муаллифи Оноре де Бальзак XIX асрнинг 20-30-йилларида «Силузт», «Мода» ва бошқа журналлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб турган. Бу журналларда унинг ҳикоялари билан бир қаторда урф-одатлар, кийимлар, мода ҳақидаги қисқа-қисқа мақолалари ҳам эълон қилинган. Қувноқ ва ҳозиржавоб бу мақолаларда чуқур ижтимоий-фалсафий мазмун ҳам бор эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида галстук боғлаш ўзига хос санъатга айланади. Эркаклар кийимида галстук қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис этган Бальзак 1827 йилда «Галстук боғлаш санъати ҳақида 16 сабоқ» номли китоб ёзади. Тахаллус остида битилган бу китобга чиройли расмлар ҳам ишланганди. У кўз очиб юмгунча тарқалиб кетади.

Тошкент политехника техникуми томонидан 1984 йилда Белоусова Юля Борисовна номига берилган ЕТ-I 093927 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2003 йил 4 ноябрдаги 11-03-05/563-сонли иши Ҳал қилув қарорига асосан, Урта-чирчиқ туманидаги «Тўйтепа автобус таксомотор саройи» очик ҳиссадорлик жамияти банкрот деб эътироф этилган.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 24-уй. Маълумот учун телефонлар: 134-41-26 132-07-05.

Тошкент шаҳар «Зангори экран» ҳиссадорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилаётгани муносабати билан 2003 йил 29 декабрь соат 15.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Кузатув кенгаши.

Бўка туманидаги 43-ўрта мактаб томонидан 1997 йил 26 июнда Исмаилов Бахтиёр Топиболдиевич номига берилган О"Р-А 003510 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.